



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko'ksaroy maydoni, 1-uy.

2022 - yil 15 - mart

112-7-0-Q/22

Samarqand viloyat hokimligi

**Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан
ундириб олинадиган бир марталик йифимлар, ижара тўловлари ва
кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сонли қарорига мувофиқ, вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари уюшмасининг 2022 йил 7 январдаги (1-сон) мурожаати, вилоят Молия бош бошқармасининг 2022 йил 1 февралдаги (01/02-38/115-сон) ва вилоят Давлат солик бошқармасининг 2022 йил 29 январдаги (20/5-05494-сон) хуносаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Куйидагилар:

Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йифимлар миқдорлари 1-иловага;

Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан бино, иншоотлар ва инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган мажбурий хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдорлари 2-иловага;

Бозор ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан маҳсус ажратилган жойларда оғир ва катта ўлчамдаги қурилиш материалларини сотиш учун тўловларнинг миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Вилоят Давлат солик бошқармаси (А.Иногомов), Бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси (Т.Мамадалиев)ларга:

бозорлар ва савдо комплексларидан тушадиган бир марталик йифимлар, ижара тўлови ва кўрсатилган хизматлар қийматини белгиланган тартибда тўлиқ ундирилишини;

янги тасдиқланган бир марталик йифимлар, ижара тўлови ва кўрсатилган хизматлар қиймати миқдорлари ҳақида вилоятдаги барча бозорлар ва савдо

комплекслари, сотувчи ва харидорлар эътиборига етказилиши, бу ҳақидаги маълумотларни барча кўринарли жойларга жойлаштирилиши ҳамда амалда татбиқ этилиши устидан назорат ўрнатилишини;

кўрсатиладиган хизматлар қиймати учун тўловларнинг ҳолати бўйича мониторинг қузатуви юритиш ва натижалари юзасидан вилоят ҳокимлигига аниқ таклифлар киритиб борилишини;

кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг янги миқдорларини тўғри қўлланилиши ҳамда тўлик ундирилиши ва бозорлар даромадларининг белгиланган қисмини маҳаллий бюджетга ўз вақтида ўтказилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминлаш топширилсин.

3. Вилоят ҳокимининг 2021 йил 29 январдаги “Вилоятдаги бозор ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги 12-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати-матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги “Ахборот-коммуникацияларини ривожлантириш маркази” (А.Анваров) ушбу қарорни оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлансан.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ураков зиммасига юклатилсан.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов

Samarqand viloyat hokimining
2022 yil 15 martdagি
112-7-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йигимларнинг миқдорлари

(сўм хисобида)

т/р	Махсулот тури	Ўлчов бирлиги	Олинадиган тўловлар		
			Самарқанд, Каттакўрғон шаҳри, Ургут ва Самарқанд туман бозорларида	Нурабод ва Кўшрабод туман бозорларида	Вилоятнинг қолган туманлари бозорларида
1.	Махсулотларни савдо ўринларида сотиши:				
1.1.	Мевалар: Хўл мевалар: олма, анор, нок, шафтоли, анжир, олхўри, гилос, қўк ва қизил султон, ўриқ, узум, олча, кулупнай, малина ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	7000	5000	6000
	цитрус ва тропик мевалар (апельсин, мандарин, лимон, банан, ананас, киви, ва ҳ.к.) ҳамда чет элдан келтирилган бошқа хўл мевалар.	1 ўрин/кунга	15000	5000	10000
	Куруқ мевалар, ёнгоклар: туршак, баргак, майиз, ёнғоқ, ер-ёнғоқ, бодом, писталар, шўрданак ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	15000	7000	10000
1.2.	Сабзавотлар: а) картошка, пиёз, карам, сабзи, саримсоқ, лавлаги, шолғом, булғор қалампири, бақлажон, патиссон ва ҳ.к. ҳамда пиширилган жўхори.	1 ўрин/кунга	5000	4000	5000
	б) помидор, бодринг (ёзги мавсумда)	1 ўрин/кунга	5000	4000	5000
	в) помидор, бодринг (қишиги мавсумда)	1 ўрин/кунга	10000	7000	8000

1.3.	Полиз маҳсулотлари: Ҳандалак, қовун , тарвуз, қовоқ (6 кв.метргача)	1 ўрин/кунга	11000	6000	7000
1.4.	Дон маҳсулотлари: гуруч, кунгабоқар, ёрмалар (крупа), буғдой, сули, арпа ва х.к.	1 ўрин/кунга	8000	5000	7000
1.5.	Дуккакли маҳсулотлар: мош, ловия, нўхат ва х.к..	1 ўрин/кунга	7000	4000	6000
1.6.	Сут маҳсулотлари: сут, қатиқ, қаймоқ, сметана, уй пишлоди, сузма ва х.к.	1 ўрин/кунга	6000	4000	5000
1.7.	Тузламалар: карам, бодринг, помидор, ва х.к.	1 ўрин/кунга	7000	5000	6000
1.8.	Зиравор ва дориворлар: (зира, мурч, калампир ва х.к.) ҳамда асал	1 ўрин/кунга	6000	4000	6000
1.9.	Кўкатлар (шу жумладан иссиқхонада етиштирилганлар)	1 ўрин/кунга	6000	3000	5000
1.10.	Тухум	1 ўрин/кунга	6000	5000	5000
1.11.	Гуллар ва кўчатлар (6 кв.метргача)	1 ўрин/кунга	5000	4000	5000
1.12.	Нон маҳсулотлари (оби нон, патир ва х.к.)	1 ўрин/кунга	5000	3000	5000
1.13.	Уйда тайерланган консерваланган маҳсулотлар, пазандалик маҳсулотлари ва уй шароитида тайёрланган кандолотчилик маҳсулотлари	1 ўрин/кунга	6000	4000	5000
1.14.	Саноат йули билан ишлаб чикарилган озик-овқат маҳсулотлари, салқин ичимликлар	1 ўрин/кунга	12000	8000	11000
1.15.	Миллий таомлар	1 ўрин/кунга	12000	8000	10000
1.16.	Полиэтилен ва қофоз пакетлар, саватлар ва посилка кутилар	1 ўрин/кунга	5000	3000	4000

1.17.	Супурги	1 ўрин/кунга	5000	5000	5000
1.18.	Тирик балиқ	1 ўрин/кунга	14000	9000	11000
1.19.	Халқ ижодкорлиги, халқ хунармандчилориги ва косибчилик товарлари: (6 кв.метргача)	1 ўрин/кунга	6000	3000	5000
	Гүшт маҳсулотлари:				
2.	мол, кўй, чўчка ва бошқа ҳайвонлар гўшти ,жигар, думба	1 ўрин/кунга	28000	20000	24000
2,1	парранда гўшти, тил, калла-пocha ва x.к.лар алоҳида сотилгандা	1 ўрин/кунга	15000	10000	11000
	Маҳсулотларни автомашиналардан сотиш:				
3.	енгил автомашиналардан	1 машина	20000	15000	17000
	юқ автомашиналардан	1 машина	25000	20000	25000
	тиркамли, ярим тиркамли юқ автомашиналари ва автопоездлардан	1 машина	15000	11000	13000
	маҳсулотларни ердан сотиш (савдо расталаридан ташқарида, маҳсус ажратилган жойларда) (6 кв.метргача)	1 ўрин/кунга	9000	7000	8000
4.	Үй ҳайвонлари учун ем-озуқалар (хар бир тиркама ёки юқ автомашинаси учун): шрот, шедуха, комбикорма, пичан, сомон, гуруч ва маккажўхори пояси ва x.к.	1 машина	9000	6000	7000
5.	Тайёр устки кийимлар, ички кийимлар, ўрин-тўшак жиҳозлари, газламалар, турли хилдаги мато жилдлар, пайафзаллар ва бошқа саноат моллари	1 жой учун	10000	7000	9000
5,1.	Телевизор, орг-техника, мебел жиҳозлари, гилам маҳсулотлари ва x.к . (6 кв.метр)	1 жой учун	13000	8000	11000
6.	Илгари фойдаланишда бўлган буюмларни сотиш: уй рўзғор жиҳоз буюмлари ва кийим кечаклар	1 ўрин/кунга	5000	4000	5000

Автотранспорт воситаларини сотиш:					
7.1.	енгил автомашиналар ва микроавтобуслар, шундан:				
	GM Ўзбекистон (ЎзДЭУ) ва хорижда ишлаб чиқарилган енгил автомашиналар	1 дона	36000	x	x
	МДХ (СНГ) давлатларида ишлаб чиқарилган автомашиналар	1 дона	26000	x	x
	юк автомашиналари, автобуслар, тракторлар ва бошқа юк кўтарувчи транспорт воситалари	1 дона	31000	x	x
	мотоцикл, мотореллер ва мопедлар	1 дона	8000	x	x
	велосипедлар	1 дона	5000	4000	4000
7.2.	Илгари фойдаланишда бўлган эҳтиёт қисмларни сотиш: -автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар	1 ўрин/кунга	8000	6000	7000
Мол бозорига олиб кириладиган ҳар бир чорва моллари учун:					
8.1.	От, той, түя	1 бош	19000	19000	19000
	буталоқ, эшак	1 бош	10000	10000	10000
8.2.	Йирик шохли қорамол :				
	йирик шохли қорамол (шу жумладан, сигир бузоги билан)	1 бош	25000	25000	25000
	бузоқ	1 бош	17000	17000	17000
8.3.	Майдо шохли қорамол:				
	кўй, эчки (кўй кўзиси билан, эчки улоғи билан)	1 бош	18000	18000	18000
	кўзи, улоқ	1 бош	13000	13000	13000
8.4.	Чўчқалар, чўчқа болалари	1 бош	12000	11000	11000
9.	Үй паррандалари: курка, товуқ, ўрдак, ғоз	1 бош	4000	4000	4000
	товуқ, курка, ўрдак, ғоз жўжалари	10 бош	4000	4000	4000
10.	Итлар ва мушуклар	1 ўрин/кунга	6000	6000	6000

11.	Манзарали қушлар ва балиқлар	1 ўрин/кунга	6000	6000	6000
12.	Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва балиқлар учун озуқалар ҳамда тегишли аксессуарлар ва буюмлар	1 ўрин/кунга	3000	3000	3000
13.	Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва балиқлар, шунингдек уларнинг озуқалари тегишли аксессуарлар ва буюмлар, бир жойда	1 ўрин/кунга	5000	5000	5000

Изоҳ: 1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1 - 1,2 погон метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади.

2. Қишлоқ хўжалики маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари аралаш ҳолда сотилганда, тўлов сотиладиган маҳсулот турлари бўйича белгиланган энг юқори ставка бўйича ундирилади.

3. Ургут, Кўшрабод, Иштихон, Қаттақурғон, ва Пайариқ туман дехқон бозорларида катта тарозида тортишда ҳар бир кг.учун майиз-500 сўм, нўхат - 350 сўм деб, патта пули ундирилсин.

4. Ҳар бир кўрсатилган хизматлар учун ундириладиган тўлов қўшилган қиймат солиғи билан бирга ҳисобланиши белгилансин.

Samarqand viloyat hokimining
2022 yil 15 martdagি
112-7-0-Q/22-son qaroriga
2-ilova

**Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан бино, иншоотлар ва инвентарларни ижарага бериш ва
кўрсатиладиган мажбурий хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдорлари**

(сўм ҳисобида)

т/п	Кўрсатиладиган хизматлар тuri	Ўлчов бирлиги	Олинадиган тўловлар		
			Самарқанд, К-Кўргон шахри, Ургут туман бозорларида	Самарқанд, Пасдарном ва Нарпай туман бозорларида	Вилоятнинг қолган туман бозорларида
1.	1. Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара тўлови:				
	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиши	1 кв.м./ойига	27000	23000	20000
	Умумий овқатланиши	1 кв.м./ойига	27000	23000	20000
	Маишӣ хизмат кўрсатиши	1 кв.м./ойига	17000	15000	13000
	Бошқа турлар (омбор, офис, дорихона, пайнет ва х.к.)	1 кв.м./ойига	20000	17000	15000
	2. Инвентарларни ижарага бериш:				
2.1.	Тош-тарозилар учун	1 кунга	5000	4000	3000
2.2.	Катта юқ тортиш тарозилари учун				
	150 кг.гача	1 кунга	4000	3000	3000
	150 кг.дан 1500 кг.гача	1 кунга	10000	9000	8000

2.3.	Савдо жиҳозлари учун (болта, тахтакач, пичоқ, ўриндиқ, воронка, патнис, сават ва х.к.) (бутун туплам учун, бунда туплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиккан холда аникланади)	1 кунга	2000	2000	2000
2.4.	Махсус уст-бош кийимлар учун (халат, этак, енглик) (бутун туплам учун, бунда туплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиккан холда аникланади)	1 кунга	1000	1000	1000
2.5.	Маҳсулотлар учун брезент бериш	1 кунга	2000	2000	2000
2.6.	Аравачалар учун	1 кунга	4000	3000	3000
2.7.	Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланганлиги учун (1 кв.м)	1 кунга	3000	2000	2000
3. Кўрсатиладиган хизмат турлари:					
3.1.	Кишлоқ хўжалик ва бошқа озиқ -овқат маҳсулотларини сақлаш:				
	совутгичларда (хар бир яшик, коп ва х.к. учун)	1 кунга	5000	5000	4000
	омборхоналарда, сақлаш камераларида (хар бир яшик, коп ва х.к. учун)	1 кунга	5000	5000	4000
	бозор худудидаги расталарда ва очиқ жойларда (савдо ўрни ҳисобидан)	1 кунга	4000	4000	3000
3.2.	Буюмларни омборларда сақлаш (бир 50x50x100 ўлчамдаги жой учун)	1 кунга	4000	4000	3000
3.3.	Маҳсулотларни тарозида тортиш:				
	катта юқ тарозида	1 марта тортиш	2000	2000	2000
	йирик ва майда шохли қорамолни тортиш	1 марта тортиш	3000	3000	2000

3.4. Автотарозилардан фойдаланиш:					
	юк кутариш куввати 5 тоннадан ортик булган тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан:				
	юк билан	1 марта ўлчаш	4000	4000	3000
	юксиз	1 марта ўлчаш	3000	3000	2000
	юк кутариш куввати 5 тоннагача булган тиркамали ва ярим тиркамали юк автомашиналаридан:				
	юк билан	1 марта ўлчаш	3000	3000	2000
	юксиз	1 марта ўлчаш	2000	2000	2000
	енгил автомашиналардан:				
	юк билан	1 марта ўлчаш	3000	2000	2000
	юксиз	1 марта ўлчаш	2000	2000	1000
	тиркамали енгил автомашиналардан:				
	юк билан	1 марта ўлчаш	3000	3000	2000
	юксиз	1 марта ўлчаш	2000	2000	2000
3.5.	Мехмонхона хизматидан фойдаланиш (1 та жой учун)	1 кунга	8000	7000	6000
3.6. Автотранспорт воситаларини вактинчалик сақлаш учун:					
	енгил автомашиналар учун	1 соатга	3000	3000	2000
	юк автомашиналари учун	1 соатга	5000	5000	4000

	"Сам.инновацион автомобилларни сотиш" бозорида: а) бозор бўлмаган кунлари худудда автотранспорт воситасига хизмат кўрсатиш учун	1 кунга	4000	X	X
3.7. Транспорт воситаларининг юк ортиш ва тушириш учун бозорлар ва савдо комплекслари худудига кириши (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тушириш учун кирган автотранспорт воситалари бундан мустасно):					
	енгил автомашиналар учун	1 марта кириш	3000	3000	2000
	юк автомашиналари учун	1 марта кириш	5000	4000	3000
3.8. Пойабзal таъмиrlаш хизмати	1 ўрин/кунга	3000	3000	3000	
3.9. Хожатхона хизматидан фойдаланиш	1 марта	2000	1000	1000	
3.10. Телефондан фойдаланиш	1 марта	500	500	500	
3.11. Радиоузел орқали эълон бериш	3 марта такрор	1000	1000	1000	
3.12. Бошқа кўрсатиладиган ҳар хил хизматлар учун	1 кунга	5000	5000	4000	

3.13.	Умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар (асфальтланган ва брускатка ётқизилган йўлаклар, тротуарлар, кириш ва чиқиши жойлари, ер остики ва ер устки канализация лотоклари, ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари, умумий худудни қўриқлаш ва тозалаш, маиший ва мева -сабзавот маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиши ва олиб чиқиши, ташқи муҳандислик-коммуникация иншооатлари) *	1 кв.м./ойига	17000	14000	12000
3.14.	Ер тўла (падвал)дан фойдаланганлик учун	1 кв.м./ойига	10000	8000	7000

Изоҳ: Каттақургон шахридаги дехқон ва савдо комплексларида умумий фойдаланадиган объектларни сақлаш учун кўрсатиладиган мажбурий хизматлар - 14000 сўм деб олинсин;

Туманлардаги хафтада бир(икки) иш куни бўлган бозор ва савдо комплексида умумий фойдаланадиган объектларни сақлаш учун кўрсатиладиган мажбурий хизматлар - 10000 сўм деб олинсин;

*)Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПК-1326-сонли "Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қиймати Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади. Ушбу хизматлар бозорлар ва савдо комплекслари худудидаги бино ва иншоотлар мулкдорларига кўрсатилади ҳамда улар учун кадастр хужжатларида кўрсатилган эгаллаган ер майдонларидан келиб чиқиб, ҳақ тўланади.

*) Хар бир кўрсатилган хизматлар учун ундириладиган тўлов қўшилган қиймат солиги билан бирга ҳисобланиши белгилансин.

Samarqand viloyat hokimining
2022 yil 15 martdag'i
112-7-0-Q/22-son qaroriga
3-ilova

Бозор ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан махсус ажратилган жойларда оғир ва катта ўлчамдаги қурилиш материалларини сотиш учун тўловларнинг миқдорлари

т/п	Тўлов тури	(сўм хисобида)		Махсус ажратилган жойларда оғир ва катта ўлчамдаги қурилиш материалларини сотиш:		
		Ўлчов бирлинги	Тўлов миқдори			
1.1.	6 кв.метргача	I ўрин/кунга	12000			
1.2.	6 дан - 15 кв.метргача	I ўрин/кунга	16000			
1.3.	15 дан - 30 кв.метргача	I ўрин/кунга	17000			
2	Курилиш материалларини вактичалик саклаш учун	I ўрин/кунга	11000			
3	Кичик ўлчамдаги қурилиш материаллари (майдада ўлчамли), сантехника, ёртни ускуналар (люстра, светильниклар ва х.к.) сотиш (6 кв.метргача)	I ўрин/кунга	11000			
4	Махаллий (терак, камич, сомон ва х.к.) ва эски қурилиш материаллари	бир кв.метр	600			